

117. «Дин насиҳатдир» китоби нашр этилди



05:00 / 02.02.2015 3791

117. «Дин насиҳатдир» китоби нашр этилди

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Дин насиҳатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши исломининг хуснидандир» деб номланган китоблари нашр этилди

МУҚАДДИМАДАН БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!
Маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал ва батамом салавотлар ва дурудлар бўлсин!
«Исломнинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган

силсиламининг биринчи ва иккинчи рисолаларида Мужтаҳид уламолар томонидан Ислонинг мадори деб тан олинган Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иккита ҳадиси шарифларини имконимиз борича ўрганган эдик. Ушбу рисолада Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда аввал бошлаган ишимизни баҳоли қудрат давом эттириш ниятидамиз. Бу ожизона ишимизда Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

«Ислонинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиланинг аввалги икки рисоласида «Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир» ва «Ҳалол очиқ-ойдиндир» ҳадислари ба қадри имкон шарҳ қилинди. Мазкур икки ҳадиси шариф ҳам ўзида мусулмон банда ҳаётининг жуда кўп соҳаларини қамраб олгани учун уларда фикҳ, руҳий тарбия ва бошқа соҳаларда сўз юритишга тўғри келди. Жамият ҳаётидаги турли ҳолатларга оид масалалар юзасидан баҳслар олиб борилди. Ушбу рисоламиндан ўрин оладиган ва сиз азизлар билан бирга ўрганмоқчи бўлиб турган ҳадиси шарифлардаги баҳс юритиладиган мавзулар аҳамият жиҳатидан аввалги икки ҳадиси шарифнинг савиясига яқин бўлса ҳам, қамров жиҳатидан ҳар бир ҳадиснинг мавзуси билан чекланади. Мисол учун, ушбу рисоладаги биринчи ҳадис насиҳатга, яъни холисликка бағишланган. Бошқалари ҳам шунга ўхшаш.

Кўпчилик катта имомлар, муҳаддислар ва мужтаҳидлар Ислонинг мадори деб атаган ҳадиси шарифлардан бири қисқача қилиб «Дин насиҳатдир» деб номланади. Мазкур ҳадиси шарифнинг матни қуйидагича:

Тамим Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дин насиҳатдир», дедилар.

«Ким учун?» дедик.

«Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Дин насиҳатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши ислонинг хуснидандир»

Нашриёт: «HILOL NASHR» Нашриёти

Сана: 2016

Ҳажми: 176 бет

ISBN: 978-9943-4448-5-0

Ўлчам: 84×108 1/32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 5401-сонли хулосаси ила чоп этилган

Маълумот учун телефон рақамлар:

Тошкент шаҳри: (+998 71) 216 29 27

Тошкент, Чорсу (998 71) 134 82 88

Наманган шаҳари: (+998 90) 322 25 22

Андижон шаҳри: (+998 90) 388 12 12, (+998 90) 2110574

(илтимос код билан теринг!)

Марғилон шаҳри: (+99890) 562 49 03

Самарқанд шаҳри: (+99891) 522 44 99

Денов шаҳри: (+99893) 5035694

Ургенч шаҳри: (+99891) 4210010

(Иш вақти 09:00 - 18:00)

Батафсил маълумот учун www.hilolnashr.uz саҳифасига кириш.

МУНДАРИЖА

Тамим Дорий розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоли

Тамим Дорий розияллоҳу анҳунинг ҳадиси ривоятлари

«Насиҳат» сўзининг маъноси ва таърифи

Насиҳат ҳақидаги оятлардан

Насиҳат ҳақидаги ҳадислардан

«Дин насихатдир» ҳадиси шарҳининг давоми

Жаброил ҳадиси

Насиҳат ким учун?

Аллоҳ учун насихат

Аллоҳнинг Китоби учун насихат

Аллоҳнинг Расули учун насихат

Мусулмонларнинг имомлари учун насихат

Мусулмонлар оммаси учун насихат

Насиҳатнинг аҳамияти

Насиҳат талаб қилиш

Насиҳатнинг вожиблиги

Фарз ва нафл насихат

Насиҳат одоблари

Насиҳат қилувчининг одоблари
Насиҳат қилинувчининг одоблари
Насиҳат тинглаш одоблари
Насиҳатга амал қилишнинг фойдаси
Қул хожасига насиҳат қилса
Набавий насиҳатлардан намуналар
Улуғ зотларнинг насиҳат ҳақида айтган
гапларидан намуналар
Насиҳатнинг фойдаларидан
Иккинчи ҳадис
Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоллари
«Киши Исломининг хусни» ҳадиси ҳақида уламоларнинг фикрлари
«Киши Исломининг хусни» ҳадисининг шарҳи
Киши Исломининг гўзал
бўлиши нимани тақозо қилади?
Аллоҳдан ҳаё қилиш мақоми
Аллоҳдан ҳаё қилиш нимани тақозо қилади?
Аллоҳдан ҳаё қилишнинг бардавомлиги
Беҳуда ишларни тарк қилиш киши
Исломининг хуснидандир
Тил офатлари
Каломнинг офатлари
Фатво сўраш одоблари
Оз сўзлаш киши Исломининг гўзаллигидандир
Киши Исломининг гўзал бўлиши барча турдаги аҳамиятсиз нарсаларни
тарк этиши биландир
Исломи гўзал бўлганларнинг мукофотлари
Хулоса
Амалдан кейин ҳисоб-китоб қилишнинг моҳияти